

Тижорат банкларида трансформация жараёнларини чуқурлаштириш бўйича тараққий этган мамлакатлар тажрибаси ва унинг амалий аҳамияти

Вохид Раимкулович Кайтаров

vkaytarov@gmail.com

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

Аннотация: Ҳозирда жаҳон амалиётида рақамли платформаларнинг ривожланиши товар ва хизматлар бозорида рақобат муҳити ҳамда шартларининг ўзгаришига олиб келмоқда. Жумладан, банк-молия тизимида рақамли технологияларни ривожлантириш, рақамли банк маҳсулотлари ва янги дастурий таъминотни жорий этиш ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда рақамли трансформацияга асосланган дастурлар амалга оширилмоқда. Бирок, жаҳонда банк хизматларини кўрсатишда рақамли технологияларнинг қўлланилиши ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда бир-биридан кескин фарқ қилмоқда.

Калит сўзлар: ракамли трансформация, ракамли иктисадиёт, IT технология, сунъий интеллект, необанк, big data, Fin Tech

The experience of advanced countries in deepening transformation processes in commercial banks and its practical significance

Vohhid Raimkulovich Kaytarov

vkaytarov@gmail.com

Higher School of Business and Entrepreneurship

Abstract: Currently, the development of digital platforms in global practice leads to changes in the competitive environment and conditions in the market of goods and services. In particular, the development of digital technologies in the banking and financial system, the introduction of digital banking products and new software, and programs based on digital transformation are being implemented in developing countries. However, the use of digital technologies in the provision of banking services in the world differs sharply between developed and developing countries.

Keywords: digital transformation, digital economy, IT technology, artificial intelligence, neobank, big data, Fin Tech

Ушбу мақолада банкларда мижозларга хизмат кўрсатишида рақамли трансформациянинг Япония тажрибаси ва унинг амалий аҳамиятига баҳо берилган.

Кириши

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Рақамли иқтисодиётни асосий «драйвер» соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш” мақсади қўйилган бўлиб, унинг доирасида давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини якунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий банкларнинг улушини 60 фоизгача етказиш вазифаси юклатилган [1].

Шунингдек, “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси” банк секторида рақамли трансформация жараёнларини амалга оширишнинг асосий йўналишлари сифатида:

- банкларнинг самарали инфратузилмасини яратиш ва фаолиятини автоматлаштириш;
- давлат улуши мавжуд тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш;
- аҳоли ва кичик бизнес учун масофавий хизматларни кенг жорий қилиш вазифалари белгиланган [2].

Банк тизимини ривожлантиришнинг асосий драйвери рақамлаштириш бўлиб, банк ва мижоз ўртасида ўзаро ишонч ва шаффофликни оширади. Маълумки бир неча йил олдин банклар мижозларига хизмат кўрсатиши учун банк биносига шахсан ташриф буйришлари ҳамда ҳар хил қофозбозликларни талаб қилган бўлса, бутунги кунда мижоз банк биноси қаерда эканлигини билмасдан ҳам банк хизматларидан фойдаланмокда. Масалан, мижоз турли хил тўловларни амалга ошириши, ўзининг пластик картасидаги пул маблағларини бир валютадан иккинчисига бемалол айрибошлиши, хоҳлаган пайтида онлайн тарзда кредит олиши ва қарздорликларни сўндириб бориши мумкин. Банклар томонидан яратилаётган бу каби енгилликларнинг асосида илгор инновацион ғоялар ва технологиялар ётади.

Шу жиҳатдан қараганда, рақамли трансформация жараёнларини тизимили таҳлил қилиш асосида унинг назарий-концептуал жиҳатларини ёритиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва истиқболли йўналишларни белгилаш долзарб аҳамият касб ётади.

Хозирда банк фаолиятига илмий-техник тараққиётнинг сўнгги ютуқларини жадал татбиқ этмасдан модернизация қилиш мумкин эмас. Жаҳон амалиётидан кўриниб турибдики, илмий-техник тараққиёт ва янги ахборот технология

(IT)ларининг жадал ўсиши банкнинг жозибадорлигини умумий баҳолашга сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Рақамли трансформацияга иқтисодчи олимлар ўзларининг бир қатор таърифларини берганлар. Хусусан, хорижлик иқтисодчилар Gebaev ва бошқалар фикрича, рақамли трансформация - бу рақамли технологияларни бизнеснинг барча тармоқларига интеграциялашуви бўлиб, иш услуби ва мижозларга қиймат етказиб беришни тубдан ўзгариради[3].

Т.Аблязов, В.Асаулларнинг такидлашича, рақамли трансформация жараёни мавжуд бизнес моделларини такомиллаштириш, шунингдек, иш самарадорлигини ошириш учун рақамли технологиялардан фойдаланишни англатади. Ушбу жараён инновацион технологияларни доимий равишда жорий қилишни ўз ичига олади, бу бутун иқтисодиётни тўлиқ рақамли ўзгаришга олиб келади [4].

К.Скиннер ўзининг "Банк соҳаси истиқболлари" китобида келтириб ўтганидек "Банк соҳаси бу - электрон операциялар орқали расмийлаштириладиган виртуал молиявий муносабатларга асосланган рақамли бозордир. Бинобарин, банк соҳасида рақамли технологиялар нафақат янги имкониятлар очадиган, балки унинг ажралмас таркибий қисмидаги муҳим компонент саналади[5].

Бу бир вақтнинг ўзида унинг ҳам устунлиги, ҳам заифлиги хисобланади. Устунлиги молиявий секторнинг технологиядан фойдаланиш, жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш қобилиятига эга бўлса, камчилиги эски операциялар ҳамда инфратузилмалардан тўлиқ электрон бизнесга ўтиш муаммосидалиги билан ҳарактерланади".

Шунингдек россиялик иқтисодчи олим В.Кощеев молиявий секторни ривожлантириш нуқтаи назаридан рақамли трансформация янги иш муҳитини шакллантирувчи бизнесни юритишнинг амалий усусларини такомиллаштириш сифатида ўрганилади деб ҳисоблайди [6].

С.Матт ва бошқалар ҳарқандай ташкилотнинг рақамли трансформациялашуви стратегияси технологиялардан фойдаланиш, қиймат яратишжараёнидаги ўзгаришлар, тузилмавий ўзгаришлар ва молиявий жиҳатларни қамраб олиши зарурлигини таъкидлашади [7].

М.Ковалев Г.Головенчик (2018) ўзларининг мақоласида Белоруссияда тижорат банклари хизмат кўрсатишда трансформациялаш жараёнига ўтишни тавсия берганлар. Улар ўзларининг изланишларида "финтех-компания"лар молиявий хизматларнинг янги турларини тақдим этаётган бир пайтда, банк хизматлари сегментида қисқариш юз бераётганлигини, яъни банклар "финтех-компания"лар қархисида рақобатни бой бераётганлигини айтиб ўтганлар.

Уларнинг фикрича: трансформациялаш жараёнини ривожланаётган давлатлар молия тизимида аллақачон бошлаган, баъзилари эса бу жараённи тугатиш арафасида турибди. Трансформациялаш жараёнига ўтган тижорат банкларининг даромадига бу омил сезиларли ижобий таъсир қилганлигини улар алоҳида таъкидлаб ўтганлар.

Шунингдек, уларнинг фикрича, рақамли банк бу – мобайл ва онлайн платформадан фойдаланган ҳолда молиявий хизматларни амалга ошириш, бу банкларининг мижоз билан ишлаш сифатини яхшилади, вақт ва харажатларни тежайди, шахсий маълумотларни хавфсизлиги ҳамда хизматлар сифати ва тезлигини оширади [8].

Макаренко Г. (2019) ўзинининг мақоласида рақамли трансформациялаш тижорат банкларининг харажатларини 10-15% камайтиришини, катта рақамлар(биг дана) технологияси кредит бериш асносида ҳар бир мижознинг максимал даражада ўрганишни ва даромадларнинг асосий қисми нобанк хизматлари орқали келишини айтган[9].

O.Selman ва Z.Özsürünçларнинг фикрича “Тижорат банкларидағи рақамли трансформация бу - рақамли технологияларни банк фаолиятининг барча соҳаларида интеграциялаш, тижорат банклари фаолияти ва мижозларга қиймат етказиб бериш усулларини тубдан ўзgartириб, молиявий ва банк дастурларини ишлаб чиқиши, рақамли банкинг, мобил банкинг ечимлари, молиявий технологиялар, мижозларнинг фоиз ставкаларини либераллаштириш, улкан маълумотлар (big data), мобил молия, рискларни бошқариш, интернет-молия ва мижозлар билан муносабатларни бошқариш бўйича талабларини қондиришга қодир демақдир” [10].

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, иқтисод фанлари доктори, профессор. Н.Х.Жумаев “Рақамли иқтисодиётда ИТ ёрдамида таннархни камайтиришга, натижада оптималлашувга ва самарадорлик ошишига эришилади. Рақамли иқтисодиётда замонавий илмий ёндашувлар ва инновациялар муҳим ҳамда устувор аҳамиятга эга бўлади. Бунда илмий сифимкорлик юқори бўлган тармоқлар равнақ топишини таъкидлайди” [11].

Таҳлил ва натижалар

Ҳозирда банк фаолиятини илмий-техник тараққиётнинг сўнгги ютуқларини жадал татбиқ этмасдан модернизация қилиш мумкин эмас. Жаҳон амалиётидан кўриниб турибдики, илмий-техник тараққиёт ва янги ахборот технология (ИТ)ларининг жадал ўсиши банкнинг жозибадорлигини умумий баҳолашга сезиларли таъсир қўрсатмокда. Бу эса, бу борадаги илғор хориж тажрибасини ўрганиш заруриятини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисга Мурожаатномасида «.... афсуски банк тизими рақамли технологияларни ривожлантириш, янги банк

маҳсулотлари ва дастурий таъминотни жорий этиш бўйича талаблардан 10-15 йилга орқада қолмокда. 2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг кўламли трансформация дастури амалга оширилади. Банкларнинг капитал, ресурс базаси ва даромадлилигини ошириш бизнинг эътиборимиз марказида бўлади» [12] - деб таъкидлаган.

Улкан маълумотлар, Булутли ҳисоблаш, Сунъий интеллект ва Буюмлар интернети каби рақами трансформация билан боғлиқ технологиялар инновацияларга асосланганлиги ва истеъмолчи эҳтиёжларига қаратилганлиги билан ажralиб туради.

Буюк Британияда 1983 йилда банклар мижозларига телефон орқали компьютерга уланган ҳолда ўзининг омонатларини текшириш, банқдаги ҳисоб рақамидан тўловлар ва пул ўтказмаларини амалга ошириш имконини берувчи Homelink тизими яратилди. Ўша йили АҚШда ҳам худди шунга ўхшаган Pronto тизими ишга туширилди. Лекин одамлар Homelink ва Pronto тизимларга ишончсизлик билан қарайди, лекин интернет тармоғи кенг ёйилиши билан ушбу тизимлардан кенг фойдаланиш бошланди. 2001 йилда Bank of Amerika 1 млрд. АҚШ доллари миқдорида онлайн хизматлар кўрсатиб, электрон-банкинг соҳасида биринчи илғор банк бўлди. Мазкур банк 2017 йилда ўзининг 3 та рақами (необанк) филиалини очди[13].

Payments Industry Intelligence портали маълумотларига кўра, 2018 йилда дунёда 60 та рақами - необанк бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилга келиб 319 тани ташкил қилди, улар ишлатадиган пулларнинг 90 фоизини электрон пуллар ташкил қилади [14].

Citi Group ҳисоб-китобларига кўра, рақамлаштириш натижасида банкларда ортиқча ишчи кучи юзага келади, мазкур иш ўринларини қисқартириш банкларнинг операцион харажатларини тенг ярмигача қисқартиришга олиб келади.

Бундан ташқари, Accenture ўтказган тадқиқотларга кўра, рақамлаштириш бўйича илгарилаб кетган банкларнинг капитал рентабеллиги 0,9 фоизга ошган, аксинча, бу соҳада оқсаётган банкларда мазкур кўрсаткич 1,1 фоизга тушиб кетган. Accenture таҳлилчилари келажакда ушбу фарқ янада катталashiшини таъкидлайди [15].

Банк тизимини трансформация ва ислоҳ қилиш йўналишларини, хорижий мамлакатларнинг банк-молия секторини трансформация қилиш тажрибаси, хусусан Япония тажрибаси ўрганилди.


Сўнгги бир неча йил ичида рақами трансформацияларнинг жадал ривожланиши билан бутун дунё бўйлаб кўплаб компаниялар ва ҳукуматлар “рақами трансформация” сари қадам ташлади. Шу қатори Японияда ҳам рақами трансформация жадал ривожланиб, дастлаб нодавлат молиявий

секторида, бугунги кунда эса банк-молия секторда тез ва кенг ривожланиб бормоқда.

Бундан ташқари, бутун жаҳон бўйлаб COVID-19 тарқалиши туфайли масофадан кўрсатиладиган хизматларга мамлакатда мижозлар эҳтиёжнинг ошиши туфайли ҳам рақамли трансформация ўтиш жараёнларини тезлаштириб юборди.

Японияда ишбилиармонлик муҳитида ижобий сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлган жамиятни рақамлаштиришни қўллаб-қувватловчи қуидаги тўртта муҳим ўзгаришлар мавжуд:

- ✓ иқтисодий фаолият тўғрисидаги маълумотларни тўплаш имконини берувчи рақамли қурилмалар, хусусан, смартфонлардан кенг фойдаланиш;
- ✓ катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиш ва сақлаш харажатларини камайтирадиган булутли технологиядан кенг фойдаланиш;
- ✓ катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш қобилияти ва самарадорлигини оширадиган ахборот технологиялари (АТ) ва бошқа илгор технологиилар;
- ✓ маълумотларни рақамли каналлар орқали таҳлил қилиш асосида юқори даражада мослаштирилган хизматларни ўз вақтида ва кенг миқёсда тақдим этиш (1-чизма).




1-Расм. Японияда жамиятни рақамлаштириш[16].

Манба:www.boj.or.jp/en.

Швейцариядаги бизнес мактаб менежментни ривожлантириш институти (IMD) томонидан нашр этилган “Жаҳон рақамли рақобат рейтинги 2021” шуни кўрсатадики, Японияда рақамли соҳада инсон ресурслари ва капиталнинг этишмаслиги илмий солоҳиятнинг нисбатан пастлиги, бизнесни ўзгартиришда мослашувчанликнинг етарли эмаслиги бошқа ривожланган мамлакатлар билан таққослаганда рақамлаштириш рақобатбардошлиги кўрсаткичларига ўз

таъсирини қўрсатиб, Япония 2020 йилга нисбатан бу қўрсаткичда бир пағона пастлаб умумий ўринда 28-ўринни эгаллаган (2-расм).



2-расм. Жаҳон рақамлаштириш рақобатбардошлик рейтинги[17].

Манба:www.imd.org

2020 йил барча мамлакатларга икки ўлчовда мислсиз муаммоларни тақдим этди. Бир томондан, уларнинг соғлиқни сақлаш инфратузилмаси ва пандемия билан қурашиш, бошқа томондан, талаб ва таклифларга бўлган шок таъсиirlардан кейин иқтисодиётини сақлаб қолиш муаммони юзага келтирди.

Жумладан, Япония учун ҳам пандемия оқибатларни кузатиш рақамлаштиришга таъсиир этувчи омилларда кузатиш мумкин. Хусусан, 2020-2021 йилларда умумий рейтингда бир пағона, билим даражаси бир пағона, технология тўрт пағона, келажакка тайёргарлик даражаси бир пағона пастлаганлинги кузатилади 1-жадвал.

1-жадвал

Японияда рақамлаштиришга таъсиир этувчи омиллар[18].

Т/Р	Кўрсаткичлар	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й
1	Умумий	27	22	23	27	28
2	Билим	29	18	25	22	25
3	Технология	23	23	24	26	30
4	Келажакка тайёргарлик	25	25	24	26	27

Манба: www.imd.org.

Товар ва хизматлар ишлаб чиқаришда пандемия сабабли инсонлар ва маҳсулотларнинг чекланган ҳаракатланиши инқизорзининг салбий оқибатларини янада кучайтирди. Технологиялар ва рақамлаштириш ҳукумат ва бизнес амалиётларини, шунингдек, ижтимоий ўзаро алоқаларни ўзgartiriшда қутқарувчи куч эканлигини исботлади.

Япония банкларининг Рақамли трансформация шароитида бизнес олиб бориши мухитини бошқа чет эл молия-банк секторда рақамли трансформация

ривожланиши билан таққосланганда рақамли трансформация ривожланиши ривожланаётган ва ривожланган мамлакатлар ўртасида катта фарқ қиласи.

Ривожланаётган мамлакатларда биотехнология субъектлари мавжуд молиявий тизимларга таянмасдан ўзлари инновацион молиявий хизматларни ташкил этишди ва кўплаб мижозларга эга бўлишган.

Хитойнинг Alibaba компанияси бунга бир мисол. Компания ўзининг ҳар бири катта мижозлар базасига эга бўлган кўплаб компаниялари гурухи ва турли соҳалардаги шерик компаниялар орқали Alibaba анъанавий статик маълумотларни, масалан, жисмоний шахсларнинг молиявий активлари тўғрисидаги маълумотлар ва кундалик харидлари каби молиявий маълумотларни ўз ичига олган катта ҳажмдаги маълумотларни тўплайди. Alibaba бундай маълумотларни таҳлил қиласи ва ҳар бир мижоз учун юқори даражада мослаштирилган молиявий ва молиявий бўлмаган хизматларни ишлаб чиқариш орқали даромад базасини кенгайтирмоқда [19].

Бошқа томондан, ривожланган мамлакатларда тараққиёт индекси чекланган. Ҳатто дунёдаги йирик молия институтлари ҳам инновацион хизматларни тақдим этиш ёки бизнес моделларини ўзгаририш орқали янги даромад олишда тўлиқ муваффақиятга эришмаган.

Америка қўшма штатлар ва Европадаги йирик молия институтлари рақамли соҳаларга сармоя киритишни давом эттироқдалар, аммо уларнинг асосий мақсади эски тизимларини қайта қуриш ва бошқарув самарадорлигини ошириш бўлиб қолмоқда.


Шу билан бирга, Европа ва Америка қўшма штатларда FinTech субъектлари "challenger banks"ларни яратдилар. Улар ўзларининг фойдаланувчилар учун қулай интерфейслари ва паст тўловлари билан улар маълум миқдордаги мижозларга эга бўлишди. Бошқалар, масалан Facebook's Diem (собиқ Libra) хусусий рақамли валюталарни чиқаришни ва тўлов инфратузилмасини қуришни режалаштироқда.

Бироқ, ушбу компанияларнинг маълум бир қисми турғун даромадлар олмоқда ва баъзилари ўз фаолиятини бошлаб, бир неча йил ичида хизматларни тўхтатдилар[20].

Ривожланаётган мамлакатларда амалга оширилаётган сиёсий чоралар, турли хил воситалар, шу жумладан етарли хуқуқий база орқали рақамли трансформациянинг жадал ривожланишини қўллаб-куватлади. Бундай қўллаб-куватлаш жамият томонидан кенг қабул қилиниши мамлакат фаровонлигини ошишига олиб келади.

Қулай ҳисоб-китоб воситаси бўлган банк кредит картасига эгалик қилувчи мижозлар сони ривожланган мамлакатларда юқори, аммо 2011 йилда ривожланаётган мамлакатларда паст бўлган (3-чизма). Кейинчалик, ушбу

ривожланаётган мамлакатларнинг айримларида банклар молиявий рақамли трансформацияни ривожлантириб, инновацион ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатишни бошладилар ва ҳукумат томонидан кўрилган чоралар ва қўллаб-қувватланишлар билан банк ҳисобварагига эгалик даражаси кўтарилиди.




3-чизма Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда банк ҳисобвараклари ва банк пластик карталагига эгалик қилувчиilar

Японияда 2011 йилдаёқ банк ҳисобвараги ва кредит карталарига эгалик қилиш даражаси юқори бўлиб, кенг тармоқли банк филиаллари ҳамда банкоматлар тармоғи мавжудлиги молиявий хизмат фойдаланувчиilar учун етарлича қулайлик яратган.

Бундан ташқари, Японияда ўтказилган сўровномаларда инсонлар шахсий маълумотларни ким билан бўлишишни ҳал қилишда бошқа ташкилотларга қараганда банкларга кўпроқ ишонишлари маълум бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, Японияда, Европада ва Кўшма Штатларда бўлгани каби, ривожланаётган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, рақамли трансформация орқали янги даромад келтирувчи хизматларни мижозларга таклиф қилиш ва амалга ошириш осонлик билан амалга ошмайди. Шунингдек, янги бизнесга кираётганлар учун бозорда ўз ўрнини топиш ҳам осон кечмайди.

[Chart 8] Банклар ва нобанклар томонидан тақдим этилган банк иловаларидан фаол фойдаланувчиilar сони



Манба: App Annie

4-чизма Банклар ва нобанклар томонидан тақдим этилган банк иловаларидан фаол фойдаланувчиilar сони.

Шунга қарамай, нобанк “platformers” ташкилотлар молиявий хизматларни тақдим этиш ёки кенгайтиришга қарор қилган тақдирда банкларга нисбатан рақобатбардош устунликка эга бўлиши мумкин. Нобанк ташкилотлар аллақачон рақамли каналлар орқали мижозлар билан кунлик ўзаро алоқада бўлган молия ташкилотидир. Ойлик фаол фойдаланувчилар эга энг яхши мобил иловалар аслида нобанк ташкилотларга тегишлидир[21]. Совид-19 бошланганидан бери ёш ва қариялар орасида рақамли ёки масофавий молиявий хизматларга талаб ортиб бормоқда. Бу нобанк ташкилотларнинг юкорида айтиб ўтилган афзаллиги яқин келажакда катта рол ўйнаши мумкинлигини англашиб мумкин.

Кўйида Япония банкларида рақамли трансформациянинг ҳозирги ҳолати, маълумотларни йиғиш ва улардан фойдаланган ҳолда инновацион хизматларни яратиш ҳолати келтирилган ва нобанк ташкилотларнинг ишланмалари кўриб чиқилган, чунки улар ўзларининг инновацион молиявий хизматларини кенгайтириш орқали банклар билан рақобатлашмоқда. Биз мижозларнинг уч хил гурухига кўрсатиладиган хизматларни кўриб чиқамиз: биринчи гурух жисмоний шахслар, иккинчи гурух кичик ва ўрта корхоналар ва учунчи гурух йирик корхоналардир.

Жисмоний шахслар учун хизматлар бир қатор FinTech субъектлар ва нобанк ташкилотлар, пул ўтказиш хизматларини ташкил қилган норматив ислоҳотлар (*shikin idō gubō*) ва электрон тўлов хизматлари (*denshi daikō gubō*) туфайли, жисмоний шахслар учун ўз молиявий хизматларни кенгайтирмоқда.

Ушбу субъектлар дастлаб тўлов хизматларини кўрсатишдан бошлаган бўлиб, аммо кейинчалик кенг кўламли молиявий хизматларни ишлаб чиқдилар ва аллақачон қўплаб мижозларни қўлга киритдилар. Одатда Pay, LINE Pay ва Payment тўлов тизимлари мисол бўла олади.

Ушбу тўлов тизимларидан фойдаланишни айниқса чакана савдо ташкилотлари сотувчилар бунга ҳаракат қилишади. Улар ўз мижозларининг тўлов жараёни самарадорлигини ошириш ва шу билан уларнинг анъанавий бизнесини яхшилаш, бошқалари эса турли хил молиявий ва номолиявий хизматлар орқали олинган турли хил мижозлар маълумотларидан фойдаланган ҳолда кенг кўламли янги хизматларни тақдим этишга интилишади.

Иккинчиси Alibaba бизнес моделини таъқиб қилмоқда. Жисмоний шахсларга кенг кўламли хизматларни тақдим этишда ҳар бир мижознинг турли маълумотларини ноёб "ID" остида бошқариш жуда муҳимдир. Муайян мижознинг эҳтиёжларини қондирадиган хизматларни тақдим этиш учун молиявий ва молиявий бўлмаган, шунингдек, статик ва динамик бўлган катта ҳажмдаги кенг маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш керак. Битта дастур бундай хилма-хил маълумотларни олишга қодир эмаслиги сабабли, бир нечта

иловалардан маълумотларни олиш ва бундай маълумотларни мижознинг ноёб идентификаторидан фойдаланган ҳолда мижоз билан боғлаш жуда муҳимдир.

Булутли бухгалтерия дастурлари ва кичик ва ўрта корхоналар учун бошқа хизматларнинг тарқалиши билан бир қатор нобанк ташкилотлар молиявий маълумотлардан фойдаланадиган молиявий хизматларни таклиф қилмоқдалар, масалан, текширилмаган бухгалтерия маълумотлари, инвентар маълумотлари ва савдо маълумотлари, уларнинг барчаси мижозларни ўрганиш учун аввалда ишлатилмаган. Ушбу хизматларнинг баъзилари банклар билан ҳамкорликда тақдим этилади, аммо банк бўлмаганларнинг ўзлари кредитор сифатида фаолият юритадиган бир қатор хизматлар ҳам мавжуд.

Банклар шунингдек, кичик ва ўрта корхоналарнинг молиявий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларни қўллаб-қувватлайдиган ҳамда уларнинг самарадорлигини оширадиган янги хизматларни ишлаб чиқиш учун янги маълумотлардан фойдаланмоқда.

Масалан, йирик Япон банк корпаратияси Sumitomo Mitsui Financial Group (SMFG) "Komatsu" Ltd билан ишламоқда. SMFGнин қурилиш техникаларига оид мавжуд маълумотлар ҳамда янги ташкил этилган молиявий таҳлил платформаси билан боғлаш орқали SMFG "Komatsu" Ltd нинг пудратчи ва субпудратчиларига ўз вақтида молиявий эҳтиёжларини қондириш учун кредитлар тақдим этиб келади[21].



5-чизма Кичик ва ўрта корхоналар молиявий эҳтиёжларини таҳлил этиши ва кредитлар тақдим этиши. Манба:www.boj.or.jp/en

Бундан ташқари, банклар томонидан кичик ва ўрта бизнес фаолиятини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар кўришни қўзда тутаётганликлари мисолида келтириш мумкин.

Баъзи кичик ва ўрта бизнес корхоналар буюртмаларни жойлаштириш ва қабул қилиш учун электрон маълумотлар алмашинуви (EDI) тизимларидан фойдаланадилар.

Банклар ҳисоб-китоб платформасини қуришга ва уни электрон маълумотлар алмашинуви тизимиға улашга ҳаракат қилмоқдалар. Тизимга уланиш орқали компаниялар бир вақтнинг ўзида буюртмаларини (тижорат маълумотлари) ва ҳисоб-китобларни (молиявий маълумотлар) текширишлари ва жараёнларни автоматлаштиришлари мумкин. Бундай ташаббуслар нафақат компанияларнинг маъмурий самарадорлигини ошириш ва корпоратив фаолиятни рафбатлантириш, балки банклар ва кичик ва ўрта бизнес субъектлари ўртасидаги ишбилармонлик алоқаларини чуқурлаштиришга, шу билан банкларни кичик ва ўрта бизнеснинг келажакдаги молиявий эҳтиёжларига мослашувчанроқ жавоб беришга олиб келиши мумкин.

Японияда банқдан ташқари бошқа ташкилотлар томонидан йирик корхоналарга хизмат кўрсатишга жиддий уринишлар кузатилмаган. Йирик корхоналарни молиялаштиришда банклар кўп қийинчиликларга дуч келмаслиги, улар молиявий хизматларни кўрсатиши, қўшилиш ва қўшиб олиш (M&A) молиялаштириш ва облигациялар чиқариш каби катта ҳажмда хизматларни кўрсатади. Шунинг учун хизмат кўрсатувчилар кучли молиявий ва савдо имкониятларига эга бўлиши керак ва бу соҳада банкларнинг, айниқса, йирик банкларнинг устунлиги кузатилади. Жисмоний шахслар ва кичик ва ўрта бизнес учун хизматларда маълум улушларни олишга муваффақ бўлган FinTech субъектлари, BigTech субъектлари ва бошқа платформа эгалари йирик корхоналарга хизматлар кўрсатишда банклар ўрнини эгаллашлари қийин бўлади.

Бироқ, бу банклар йирик корхоналар учун молиявий рақамли трансформациянинг ягона иштирокчиси эканлигини англатмайди. Узоқ муддатда йирик корхоналар маъмурий самарадорликни ошириш, харажатларни камайтириш ва молиявий самарадорликни ошириш мақсадида компаниялар, жумладан, таъминот занжиридаги корхоналар томонидан кенг қўлланилиши мумкин бўлган ўз тўлов платформаларини яратиши мумкин.

Ушбу платформалар B-to-B ёки B-to-B-to-C бўлиши мумкин ва йирик корхоналар ўз платформаларида компаниялар ёки ходимларнинг потенциал молиявий эҳтиёжларига жавоб бериш каби янги молиявий хизматларни ишлаб чиқиши мумкин. Масалан, йирик корхоналар транспорт учун рақамли трансформация шакли сифатида қараладиган Mobility as a Service (MaaS)¹ учун ўзларининг тўлов воситаларини яратишлари мумкин. Шунингдек, улар ўзларининг шахсий рақамли валюталарини чиқаришни қўриб чиқишлиари ва

¹ Фойдаланувчиларга поездлар, автобуслар ва самолётлар каби транспортнинг бир нечта турларидан фойдаланганда ўз смартфонлари ёки бошқа қурилмалари ёрдамида қидириш, банд килиш ва транспорт учун ҳақ тўлаш имконини бериш орқали фойдаланувчи кулайлигини яхшилайдиган хизмат.

ундан нафақат ўз ходимларига иш ҳақини тўлаш, балки таъминот занжирида тўловларни амалга ошириш учун ҳам фойдаланишлари мумкин (6-чизма) [21].



6-чизма Йирик корхоналарнинг молиявий трансформация лойиҳаси.

Манба:www.boj.or.jp/en

Ушбу тизим йирик корхоналарнинг маъмурий иш самарадорлигини, маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириши натижасида эса корхона фойдасини ошириши мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Тижорат банкларида трансформация жараёнларини чукурлаштириш бўйича тараққий этган давлатлар тажрибасини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

- анъанавий статистик маълумотларни ўз ичига олган катта миқдордаги маълумотларни тўплаш ва рақамли технологиялар воситасида таҳлил қилиш компанияларга ҳар бир mijoz учун юқори даражада мослаштирилган молиявий ва молиявий бўлмаган хизматларни ишлаб чиқариш имконини беради;
- FinTech субъектлари томонидан яратилган “challenger banks” уларнинг фойдаланувчилари учун қулай интерфейсларни ва комиссион тўлов ставкаси паст бўлган молиявий хизмат турларини таклиф қилишмоқда;
- Японияда банк ҳисобвараги ва кредит карталарига эгалик қилиш даражасининг нисбатан юқори эканлиги кенг тармоқли банк филиаллари ҳамда

банкоматлар тармоғининг мавжудлиги, инсонлар шахсий маълумотларни ким билан бўлишишни ҳал қилишда бошқа ташкилотларга қараганда банкларга қўпроқ ишонишлари каби омиллар билан изоҳланади;

- банклар ҳисоб-китоб платформасини қуришга ва уни электрон маълумотлар алмашинуви (EDI) тизимиға улаш орқали тижорат маълумотлари ва молиявий маълумотларни қайта ишлаш самарадорлигини оширишга ҳаракат қилишмоқда;

- узоқ муддатда йирик корхоналар маъмурий самарадорликни ошириш, харажатларни камайтириш ва молиявий самарадорликни ошириш мақсадида таъминот занжиридаги корхоналар томонидан кенг қўлланилиши мумкин бўлган ўз тўлов платформаларини яратиши мумкин.

Республикамиз тижорат банкларини рақамли трасформация жараёнини илгор хориж тажрибаси асосида такомиллаштириш мақсадида қўйиджаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Банк мижозлари тўғрисидаги маълумотларни қайта ишлаш тезлигини ва самарадорлигини ошириш мақсадида, биринчидан, мижозларнинг ликвидлилиги, тўловга қобиллиги, умумий пул оқими тўғрисидаги статистик маълумотларни Биг Дата технологиясидан фойдаланган ҳолда қайта ишлаш йўли билан ҳар бир мижозлар гурӯхига мослаштирилган молиявий хизматлар мажмuinи яратиш лозим; иккинчидан, тижорат банклари қошида инновацион молиявий хизматлар кўсрatiшга ихтисослашган консолидациялашмаган кредит муассасаларини ташкил этиш керак.

2. Банк мижозларига кўрсатиладиган ҳисоб-китоб хизматини инновациялар асосида ривожлантириш мақсадида, биринчидан, кредитли пластик карталар эгаларига ажратиладиган кредитлаш лимитларини карта эгасининг кредит тарихига боғлиқ равишдла ишлаб чиқилган рейтинглар асосида аниқлаш тартибини жорий қилиш лозим; иккинчидан, мижозлар билан тезкор алоқани таъминлаш имконини берадиган рақамли каналлардан фойдаланиш қўламини кенгайтириш орқали чакана тўловларнинг тезлиги ва ҳажмини ошириш зарур; учинчидан, компанияларнинг тўловга қобиллигини молиявий таҳлил платформасидан фойдаланган ҳолда тезкор таҳлил қилиш йўли билан кредитлар ҳисобидан амалга ошириладиган тўловлар ҳажмини ошириш керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” URL: <https://lex.uz/docs/5841063>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони билан тасдиқланган “2020-2025 йилларга мўлжалланган

Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси" URL: <https://lex.uz/docs/4811025>.

3. Gebayew, C., Hardini, I. R., Panjaitan, G. H. A., Kurniawan, N. B., & Suhardi. (2018). A Systematic Literature Review on Digital Transformation. 2018 International Conference on Information Technology Systems and Innovation (ICITSI). doi:10.1109/icitsi.2018.8695912

4. Ablyazov T., Asaul V. On competitive potential of organization under conditions of new industrial base formation // SHS Web of Conferences. 2018. Vol. 44. 00003.

5. Скиннер К. Будущее банкинга / К. Скиннер. Предисловие. – 2007

6. Кощеев В.А., Цветков Ю.А. Цифровая трансформация банковского сектора. <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovaya-transformatsiya-bankovskogo-sektora>.

7. Matt, C., Hess, T., & Benlian, A. (2015).Digital Transformation Strategies. Business & Information Systems Engineering, 57(5), 339–343.

8. Ковалев М., Головенчик Г. (2018). Цифровая трансформация банков // Банковский вестник. №11 (664), 50-60 с.

9. Макаренко Г. (2019). "Как инновация изменят банковскую отрасль России" электронный ресурс: <https://trends.rbc.ru/trends/innovation/5d63fd8f9a7947e067daea90>.

10. Ortaköy, Selman, and Zehra Özsürünç. 2019. The Effect of Digital Channel Migration, Automation and Centralization on the Efficiency of Operational Staff of Bank Branches. Procedia Computer Science 158: 938–46. [CrossRef]

11. <https://review.uz/oz/post/raqamli-iqtisodiyot-mamlakatimiz-taraqqiyoti-garovidir>.

12. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020 й. URL: <https://president.uz/ru/lists/view/3324>

13. Ortaköy, Selman, and Zehra Özsürünç. 2019. The Effect of Digital Channel Migration, Automation and Centralization on the Efficiency of Operational Staff of Bank Branches. Procedia Computer Science 158: 938–46. [CrossRef]

14. <https://finance.uz/index.php/ru/fuz-menu-economy-ru/11083-uzbekistan-vtsifrovoj-ekonomike>.

15. <https://www.accenture.com/us-en/insigh/blockchain-index>

16. Bank of Japan Review 2021. www.boj.or.jp/en.

17. "Imd World Digital Competitiveness Ranking 2021". www.imd.org.

18. "Imd World Digital Competitiveness Ranking 2021". www.imd.org.

19. Bank of Japan Review 2021. www.boj.or.jp/en.

20. Bank of Japan Review 2021. www.boj.or.jp/en.